



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил "8" _____

№ 1072

Янгибозор шаҳарчаси

Ширинқўнғирот қишлоғидаги "Янгибозор томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятига ижарага ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

"Янгибозор томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Мадрахимовнинг ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддалари, ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Янгибозор томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Мадрахимовнинг ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилсин.
2. "Янгибозор томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятига Ширинқўнғирот қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги № 238-контурларида жойлашган умумий ер майдони 3.6 гектар, шундан суғориладиган экин ери 3.5 гектар, ариқ-зовурлар 0.1 гектардан иборат ер участкасида сабзаёт-полиз маҳсулотларининг уруғлари ва кўчатларини етиштириш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати (10 йил) қилиб белгилансин.
3. "Янгибозор томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятига ижарага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва масъулияти чекланган жамият раҳбари Р.Мадрахимов ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.
4. "Янгибозор томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Мадрахимовга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳокими



Ў.Курбанов